

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2021.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАБОЕВ АНВАРЖОН ПАРДАБОЙ ЎҒЛИ**

**ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ МОНИТОРИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**11.00.07 – Геоинформатика  
06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

<b>Пардабоев Анваржон Пардабой ўғли</b> “Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида)”.....	3
<b>Пардабоев Анваржон Пардабой ўғли</b> “Совершенствование мониторинга землепользования дежханских и приусадебных хозяйств (на примере Самаркандской области)”.....	23
<b>Pardaboyev Anvarjon Pardaboy o’g’li</b> “Improvement of land mechanisms for dehqan and household farms (on the example of Samarkand region)”.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2021.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАБОЕВ АНВАРЖОН ПАРДАБОЙ ЎҒЛИ**

**ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ МОНИТОРИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**11.00.07 – Геоинформатика  
06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2032 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ttiame.uz](http://www.ttiame.uz)) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Алтиев Абдурашид Султанович.</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Комилова Нилуфар Каршибаевна</b> география фанлари доктори, профессор <b>Раҳмонов Қосимджон Раҳмонович</b> иқтисод фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини</b>

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2021.Т.10.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «8» июл соат 15 30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-22-67, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@ttiame.uz](mailto:admin@ttiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин 218 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2022 йил 20 июн кунини тарқатилди.

(20 22 йил «20» июн даги 218 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Султонов**

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

**Ф.Гашиаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. проф.

**Э.Ю. Сафаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги бир марталик  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда деҳқон ва томорқа хўжаликлари каби майда хўжаликларда ердан фойдаланишнинг жадал ўсиши ва ривожланиши шароитларида уларни янги замонавий технологияларга мувофиқ юритиш, мазкур хўжаликлар ерларининг тезкор мониторингини олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда деҳқон ва томорқа хўжаликлари каби майда хўжаликлар ерларининг мониторингини юритишни такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, жумладан фермер, деҳқон ва томорқа хўжалиklarини юритишни ривожлантириш услубларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда улар ерларидан фойдаланиш мониторингини юритиш сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда кичик ер участкаларида фаолият юритувчи хўжаликлар ерларини мониторинг қилишни замонавий географик ахборот тизимлари негизида шакллантириш, уларнинг картографик маълумотлари асосини ташкил қилиш ҳамда масофадан зондлаш материалларидан фойдаланган ҳолда ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, ерларни мониторинг қилишда масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиш ҳамда ерларни 3D модел ёрдамида тадқиқ этиш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида таркибий, институционал, инвестициявий ўзгаришлар орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари билан бир қаторда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш ҳамда деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари ҳажмини кескин ошириш бўйича кенг кўламли чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “...қишлоқда ишлаб чиқаришнинг янги инфуратузилмасини яратиш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, деҳқон ва томорқа ер эгалари манфаатларига хизмат қилувчи янги мазмундаги тузилмалар ташкил этиш вазифалари ҳам аҳамиятлидир”<sup>1</sup>. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, институционал ва технологик ислохотларни чуқурлаштириш асосида янги ташкилий-техник механизмларни шакллантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш,

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашр. -Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2022 й, 164 б.

қишлоқда долзарб ижтимоий муаммоларни, айниқса барқарор ва самарали иш жойларини ташкил қилиш механизмларининг ташкилий-иқтисодий асосларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ–3318–сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, Ер кодекси, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида” ги қонунларда белгиланган устувор вазифалар ва чораларга мос ҳолда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингининг технологик асосларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш билан бир вақтда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантириш дастурининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Соҳага оид мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштириш ҳамда географик ахборот тизимларини қўллаш масалаларини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этиш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида А.В.Чаянов, А.А.Варламов, А.И.Шапошников, А.П.Асташкин, В.П.Заплетин, М.В.Андришина, В.В.Вершинин, Г.И.Горохов Г.В.Балабанов, С.Н.Волков, С.А.Гальченко, А.Л.Желясков, Г.А.Калиев, В.В.Денисов, С.А.Ткачук, М.Д.Спектор, М.А.Гендельман, О.О.Караматов ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий ишларида қисман ўз аксини топган.

Ўзбекистонда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари мониторингини юритиш бўйича тадқиқотлар Ў.П.Умурзоқов, Р.Х.Хусанов, А.Абдуазизов, А.С.Алтиев, Э.Сафаров А.С.Чертовицкий, А.Бобожонов, Қ.Рахмонов, Б.Б.Беркинов, А.Қ.Бозоров, А.Ўлмасов, И.Ихлосов, А.А.Самборский, С.С.Саййидқосимов, Р.Х.Эргашев, З.С.Шохўжаева, Ф.Р.Хамидов, К.Ф.Исмаилова, А.Абдусаматов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Аммо юқорида келтирилган олимлар ва тадқиқотчилар ишларида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштириш кўп жиҳатдан умумий тарзда тадқиқ этилган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларида янги аср технологиялари даврида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини юритишда ГАТ технологияларининг роли, масофадан зондлаш материалларидан фойдаланиш принциплари ҳамда

уларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар қисман даражада ўрганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Тошкент давлат техника университети ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ва МУ-ПЗ-2017-102443–«Дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини эркинлаштириш стратегиясининг концептуал асосларини яратиш» (2018-2019) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштиришга қаратилган илмий – амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритиш тизимини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш;

ArcGIS дастури асосида дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон рақамли карталарини яратиш босқичларини ишлаб чиқиш;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон рақамли тупроқ картасини йирик масштабда тузиш;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг дрондан олинган аэросуратлар асосида уч ўлчамли моделини қуриш услубиётини ишлаб чиқиш;

деҳқон ва томорқа хўжаликларида ердан фойдаланишни мониторинг қилишнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш;

Республикамизда дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишни мониторинг қилишда хориж тажрибаларини ва уларни татбиқ қилиш ва хусусиятларини ўрганиш;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштиришда ГАТ услубларини татбиқ қилишни асослаш;

**Тадқиқот объекти.** Самарқанд вилоятидаги дехқон ва томорқа хўжаликлари учун ажратилган ерлар ва уларни мониторинг қилиш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини юритиш жараёнида фойдаланиладиган электрон рақамли карталар, дронлардан олинган мета маълумотлар ҳамда уч ўлчамли модели ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида дала ишлари, иқтисодий – статистик, иқтисодий – математик, қиёсий таҳлил, рақамли модель сифатида тасвирлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг миқдорий ва сифат ҳолати мониторингини юритиш усули географик ахборот тизими ҳамда учувчисиз учиш қурилмалари (УУҚ дронлар) ёрдамида олинган маълумотлар асосида такомиллаштирилган;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон рақамли карталарини ArcGIS дастури асосида яратишнинг технологик босқичларини амалга ошириш тадбирлари ва параметрлари ишлаб чиқилган;

географик ахборот тизимларини қўллаш асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг хўжалик ва экологик ҳолати мониторингини юритишда 1:5 000 масштабда тупроқ картасини яратиш усули ишлаб чиқилган;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари ҳақидаги ахборот базасини кенгайтириш мақсадида дронлардан олинган мета маълумотлардан фойдаланиб ерларнинг уч ўлчамли модели яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий технологиялар асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари ҳолати тўғрисида тезкор маълумотлар олиш имкониятлари яратилган;

ArcGIS дастури асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон рақамли карталарини яратиш босқичлари ишлаб чиқилган;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳолатини аниқлаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича хўжаликларга аниқ маълумот бериш учун электрон рақамли тупроқ картаси ишлаб чиқилган;

дронлардан олинган мета маълумотлардан фойдаланган ҳолда Agisoft Metashape дастури ёрдамида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари ҳақидаги ахборотлар базаси кенгайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади, шунингдек тадқиқотчи томонидан олиб борилган илмий изланишлар диссертациянинг информацион пойдевори ҳисобланади. Асосий натижалар ишлаб чиқилган деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритишда ўз аксини топган ва олинган тадқиқот натижалари тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг **илмий** аҳамияти деҳқон ва томорқа хўжаликларига ажратилган ерларнинг мониторингини юритиш бўйича услубий ёндашувлар такомиллаштирилган, замонавий геоахборот тизимларидан фойдаланиб деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон карталарини яратиш усуллари аниқланган, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторинги бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишларининг **амалий** аҳамияти сифатида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини олиб боришда ArcGIS дастури асосида яратилган электрон рақамли карталари яратилганлиги ва уч ўлчамли модели ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади. Ушбу яратилган деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг рақамли карталари ва уч ўлчамли модели ерларнинг сифатли мониторингини юритишни таъминлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритишни такомиллаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

географик ахборот тизими ҳамда учувчисиз учиш қурилмалари (УУҚ дронлар) ёрдамида олинган маълумотлар асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг миқдорий ва сифат ҳолати мониторингини юритиш усули “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022-4440-сон маълумотномаси). Натижада, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритишда замонавий географик ахборот тизимларидан фойдаланиш имкони яратилган;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон рақамли карталарини (ArcGIS дастури асосида) яратишнинг технологик босқичлари ҳамда уларда амалга ошириладиган ишлар турлари ва параметрларини аниқлаш усули “Ўздаверлойиха” давлат-илмий лойиҳалаш институти фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022-4440-сон маълумотномаси). Натижада, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритишда электрон рақамли карталарни ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

географик ахборот тизимларини қўллаш асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг хўжалик ва экологик ҳолати мониторингини ташкил этишда тупроқ картасини яратиш усули “Ўздаверлойиха” давлат-илмий лойиҳалаш институти фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022-4440-сон маълумотномаси). Натижада, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳолатини аниқлаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни агро-техник асослаш имконияти яратилган;

деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ахборот базасини кенгайтириш мақсадида мета маълумотлар асосида ерларнинг уч ўлчамли моделини яратиш усули “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022-4440-сон маълумотномаси). Натижада, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг уч ўлчамли моделини яратиш орқали ерларнинг ахборот базасини кенгайтириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган, 2 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазибалари ҳамда объекти ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ердан фойдаланишни мониторинг қилишнинг илмий - назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини юритишда илмий-услубий ёндашувлар, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш ҳамда мониторинг қилишнинг ташкилий-техник асослари, республикада ерлардан фойдаланиш ҳамда мониторинг қилишда хориж тажрибаларини ўрганиш натижалари ёритилган. Шунингдек, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари, уларнинг мониторингини юритишни ўрганиш ҳамда уларнинг ривожланиш тарихи, замонавий географик ахборотлар ёрдамида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини тадқиқ қилиш ва уларнинг илмий-техник асослари ёритилган.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ердан фойдаланиш шакли сифатида ҳозирги кунга қадар тарихий жараёнларни бошдан кечирган. Аввал, ибтидоий жамоа даврида ҳам оилаларни боқишда қабилалар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Демак, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ибтидоий жамоа давридан бошлаб юритиб келинган.

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ва шу асосида республика ҳудудларида деҳқон хўжаликларининг ташкил этилиши натижасида ҳам бундай ерлар майдони кенгайтирилди ва бугунги кунда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг умумий майдони 704,4 минг гектарни ташкил этмоқда. Бу эса ҳозирги кунга келиб деҳқон ва томорқа хўжаликларига ажратилган ер майдони 1991 йилга нисбатан 50 % га ошганлигини кўрсатади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпчилик деҳқон ва томорқа хўжаликлари етиштирган маҳсулотларнинг асосий қисмини сотиш учун бозорга олиб чиқишса, бир қисми эса фақатгина оила эҳтиёжлари учун ишлатишади. Лекин, деҳқон ва томорқа хўжаликлари натурал хўжалиқдан товар хўжалигига айланиб бориши кузатилмоқда. Умуман олганда, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг бир-биридан фарқланиши бўйича технологик схема ишлаб чиқилди (1-расм).

Шу нуқтаи назардан, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимига хўжаликларнинг маълумотлар базасини яратиш, ерларни замонавий географик ахборот тизимлари ва технологиялари (ГАТ)лари асосида мониторингни юритишни жорий қилиш, хўжаликларни учувчисиз учиш қурилмалари (УУҚ дронлар) орқали кузатиш, хўжаликларнинг электрон картасини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда бошқа давлатларга қараганда АҚШ давлатининг иқтисодиёти ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Бошқа давлатларга қараганда Америка Қўшма Штатлари ўзини-ўзи хомашё билан таъминлай олади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи ўрин эгаллайди. Бу давлатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосан фермер ва деҳқонлар етиштиради. Америка Қўшма Штатларида ерларни ўрганиш қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан олиб борилади.

Хитойда ҳам қишлоқ хўжалиги ерларининг мониторингини юритишда замонавий геоахборот тизим ва технологиялари ва учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиб ерларнинг мониторингини юритиш, қишлоқ хўжалиги ерларида етиштираётган экинларнинг униб чиқишини кузатиш ва ерларнинг электрон карталарини тузишда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Японияда майдони кичик бўлган қишлоқ хўжалиги ерларида замонавий геоахборот тизим ва технологиялари ва учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиб ерларнинг мониторингини юритиш ва уларнинг электрон рақамли карталарини тузиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларига таъсир этаётган зараркунандаларни аниқлашда кенг фойдаланиб келмоқда.

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва республика учун мос келувчи уларнинг жиҳатларини аниқлаш ва қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал қилишда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини олиб бориш ва ушбу ерларнинг ҳисобини тўғри юритишда замонавий геоахборот тизимларига алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Бу борада деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини замонавий геоахборот тизим ва технологиялари ва учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида мониторинг қилиш ва экин майдонлари ҳисобини юритиш ишларини амалга ошириш ушбу хўжаликлар ер майдонларидан самарали фойдаланишга замин яратади.

# ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШДА БИР-БИРИГА ЎХШАШЛИК ЖИҲАТЛАРИ ВА ФАРҚИ



**1-расм. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ердан фойдаланишда бир-бирига ўхшашлик жиҳатлари ва фарқи**

Диссертациянинг «Тадқиқот объектида ерлардан фойдаланиш ва мониторингини олиб боришда ГАТ услубларини такомиллаштириш ва татбиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини масофадан зондлаш материаллари асосида мониторинг қилиш босқичлари, мазкур хўжаликлар ерларининг тупроқ бонитировкаси бўйича геостатистик таҳлиллар ўтказиш услубини такомиллаштириш, ерлардан фойдаланиш мониторингини математик моделлаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Самарқанд вилоятида 15904 та қишлоқ хўжалиги корхоналари мавжуд бўлиб, шундан 4164 та деҳқон хўжаликларидир. Ушбу хўжаликлар ерларидан фойдаланиш муаммоларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш иқтисодиётни чуқур модернизация қилиш жараёни учун объектив заруриятга айланмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалик йўналишларида фаолият юритаётган деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати бўйича маълумотлар тўплаш ва ҳудудларда ижтимоий сўровлар ўтказиш ишлари олиб борилди.

Самарқанд вилоятининг Қаттақўрғон, Иштихон туманларида турли йўналишларда фаолият юритаётган 115 нафар деҳқон ва томорқа хўжаликлари билан ижтимоий сўровлар ўтказилди ( 2-расм).



**Иштихон тумани. Б.Эшматов деҳқон хўжалиги**

**Қаттақўрғон тумани. М.Ширинов деҳқон хўжалиги**


**2-расм. Самарқанд вилоятида ўтказилган ижтимоий сўровлардан лавҳалар**

Сўровнома натижаларини тизимли таҳлил қилиш натижасида деҳқон ва томорқа ерларидан фойдаланиш жараёнлари юзасидан бир қатор комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ташкилий-техник функцияларини кенгайтириш ва такомиллаштиришнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш ҳамда инновацион ёндашувларни талаб қилмоқда.

Самарқанд вилоятидаги деҳқон ва томорқа хўжаликларида бири-бирдан фарқ қилувчи яққол ихтисослашув кўзга ташланмайди. Деҳқон ва томорқа хўжаликларида пахтадан ташқари деярли барча асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экиб келинади. Лекин, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларининг асосий 70% ни деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Бу ўз навбатида деҳқон ва томорқа хўжаликларига ер ажратиш муаммоси янада долзарблигини кўрсатмоқда. Бу масалаларни ҳал этиш учун деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларига замонавий геоахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда ер ажратиш кераклигини кўрсатмоқда. Шундай экан, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳам бошқа қишлоқ хўжаликларига ўхшаб замонавий географик ахборот тизимлари ва учувчисиз учиш қурилмалари (УУҚ дронлар) билан ердан фойдаланиш мониторингини юритиш мақсадга мувофиқдир.



Қишлоқ хўжалиги компаниялари даражасида сунъий йўлдошдан олинган маълумотлардан фойдаланишда деярли ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Бугунги кунда ҳар ҳафта космосдан 10-30 метр ўлчамдаги бепул ва эркин тарқатиладиган расмларни олиш мумкин. Бепул расмлар АҚШ миллий геологик хизмати, NASA ёки Европа космик агентлиги томонидан тақдим этиб келинмоқда. Қуйидаги намуна спектрли коэффициентлаш тушунчасини ифодалайди. Соғлом вегетация

спектрнинг яқин инфрақизил қисмида кучли қайтаради, кўринувчи қизил қисмида бўлса кучли ютилади. Тупроқ, сув каби бошқа юзалар яқин инфрақизил (NIR) ва қизил қисмларда деярли бир хил қайтарувчанликка эга. Шунинг учун, IRS LISS-IV диапазон 4 (NIR 0,76–0,86 м) тасвир диапазон 3 (Red 0.62–0.68 м)га бўлингандаги натижавий коэффициент вегетация даврида 1 дан кичик ва тенг, тупроқ ва сувда, 0 атрофида (3-расм).

NDVI индексининг қиймати –1 дан +1 гача бўлган оралиқда ҳисобланади ва ўсимликларни таҳлил қилишда индекс фақат ижобий қийматларни олади: ўлчаш пайтида ўсимликларнинг яшил массаси қанча кўп бўлса, NDVI қиймати бирликка яқинроқ бўлади. Бироқ, NDVI индикатори жуда нисбий қиймат бўлиб, у яшил барглар биомассасининг мутлақ қийматларини кўрсатмайди. Ушбу кўрсаткич экинларнинг қанчалик яхши ёки ёмон ривожланаётганини тахминий баҳолашга имкон беради. NDVI вегетатив бўлмаган даврда олинган суратларда мутлақо самарасиз. Шунинг учун ҳам NDVI таҳлилни ўсимлик турига ва унинг фотосинтез жараёни энг кучайган пайтдагиси яхши натижа беради. Мисолимизда эса сабзавот маҳсулотларининг фотосинтез жараёни ўрганилди. Бу жараённинг энг қулай

вақти эса апрел ойлари ҳисобланиб, бу даврда сабзаёт маҳсулотларининг фотосинтез жараёни энг кўп бўладиган вақт ҳисобланади (1-жадвал).


### 1-жадвал

#### Иштихон туманидаги массивлар ҳудудида жойлашган деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг NDVI таҳлили индекслари

Массивлар номи	Ўртача NDVI индекслари		
	2014	2016	2020
Туркистон	0,44	0,48	0,43
А.Навоий	0,41	0,42	0,40
Янгикент	0,43	0,42	0,39
Х.Олимжон	0,37	0,38	0,37
Хақиқат	0,46	0,46	0,48
Ўзбекистон	0,43	0,44	0,41
Охунбобоев	0,42	0,43	0,44
Ж.Махмудов	0,43	0,48	0,43
Э.Қорабоев	0,46	0,46	0,48
Меҳнат-роҳат	0,43	0,44	0,41
А.Бердикулов	0,43	0,42	0,40
Азамат	0,43	0,43	0,41
Уч Қаҳрамон	0,45	0,46	0,42
Ш.Рашидов	0,44	0,44	0,44
<b>Ўртача</b>	<b>0,43</b>	<b>0,44</b>	<b>0,42</b>

Маълумки, Республикамизда аҳоли сони йилдан-йилга ошиб боришини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо этади. Аммо бу борада амалга

оширилаётган чора-тадбирлар етарли деб бўлмайди. Географик ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида Самарқанд вилояти Иштихон ва Каттақўрғон туманларининг тупроқ картаси “ArcGIS” дастури асосида яратилди (4-расм). Аҳолининг ўсиш сонига қараб деҳқон ва томорқа хўжаликларига мўлжалланган ерларнинг ўзгариш динамикасида фойдаланиб, прогноз қилиш учун регрессия тенгламаларидан фойдаланамиз. Олинган статистик маълумотларга асосан математик регрессия тенгламалари тузиб чиқилади ва регрессия таҳлили учун қуйидаги формулалардан фойдаланилди. Оддий регрессия тенгласида номаълум параметрлар сони иккита ва  $\varphi(x_i, \theta_1, \theta_2)$  функция номаълум параметрларга нисбатан чизиқли бўлган ҳолда тузилади.



**4-расм. Самарқанд вилояти Иштихон тумани А.Бердикулов массиви ҳудудидаги аҳоли пунктларида интерполяция усулида тупроқнинг айирмаларини визуаллаштириш**

Ишлаб топилган маълумотларга асосан аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси ва республикамизда деҳқон ва томорқа хўжаликлари учун ажратилган ер майдонларини график кўринишида ифодалаймиз ва регрессия тенгламасини топамиз (5-расм).

Олиб борилган тадқиқотлар доирасида, аҳоли сонининг ўсиши натижасида уларга ер ажратиш муаммоси ҳам ортиб боради. Математик таҳлиллар натижасида прогноз ишлари олиб борилди.  $y=604,2625+0,02234*x$



**5-расм. Аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси ва республикамизда деҳқон ва томорқа хўжаликлари учун ажратилган ер майдонларини график кўриниши**

Бунда, бир йилда ўртача аҳоли сони ўсиши аниқланди, яъни олдинги йилга нисбатан ҳозирги йилдаги аҳоли қанчага ўсганлигини аниқлаш мақсадида куйидаги формула ишлаб чиқилди:

$$X_{o,r} = \frac{N_1}{N_2} \quad (1)$$

бу ерда:

$X_{o,r}$  – йиллик ўртача аҳоли сонининг ўсиши.

$N_1$  – олдинги йилдаги жами аҳоли сони.

$N_2$  – ҳозирги йилдаги жами аҳоли сони.

Диссертациянинг «ГАТ технологиялари асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингининг ташкилий-техник асосларини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида деҳқон ва томорқа хўжаликларида ердан фойдаланиш мониторингини такомиллаштиришнинг услубий-техник асослари, географик ахборот технологиялари асосида хўжаликлар ерларини мониторинг қилишнинг услубий асослари ҳамда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари мониторингини юритишда 3D моделдан фойдаланиш самарадорлиги масалалари кўриб чиқилган.


Ҳозирги кунда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторинги тўғри юритилмаётганлиги, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини қайта тақсимлаш механизми ишлаб чиқилмаганлиги, ушбу хўжаликларга ажратилган ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш имконини бермаётганлиги сабабли бу хўжаликларни янада ривожлантириш захиралари борлигидан дарак беради.

Хусусан деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мақсадида, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳисоби ва мониторингини юритишда замонавий географик ахборот тизимлари ва учувчисиз учиш қурилмалари, яъни дронлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш зарур.

Замонавий ахборот технологияларининг жалб этилиши орқали деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ер турлари бўйича маълумотлар олиш ва


мониторинг қилиш самарали ҳисобланади. Қолаверса, бунда учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш жойни ер турлари бўйича мониторинг қилиш қулай деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун дастлаб рақамли карталарни ишлаб чиқиш технологиясини яратиш зарур. Замонавий географик ахборот тизимлари асосида деҳқон ва томорқа хўжалиklarининг рақамли карталарини яратиш бўйича махсус технологик схемасини ишлаб чиқишда асосий омиллар ўрганилиб, бу бўйича қуйидаги тўртта босқичдан иборат қилиб белгиланди (6-расм).



**6-расм. Деҳқон ва томорқа хўжалиklари ерлари мониторингини юритиш мақсадлари учун электрон карталарни яратиш технологик босқичлари**

Юқоридаги ишлаб чиқилган карталарни яратиш технологик схемаси асосида Каттакўрғон туманидаги Бўстон массиви ва Иштихон туманидаги Бердиқулов массивларидаги деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон картаси ArcGIS дастури ёрдамида яратилди (7-расм).



**7-расм. Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги А.Бердиқулов номли массив ҳудудидаги деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг электрон картаси**

Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларида мониторинг ишларини олиб боришда ерларнинг ҳолатини аниқлашни ҳисобга олиш лозим. Албатта замонавий географик ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда. Лекин тизимли таҳлиллар ва тадқиқотлар давомида маълум бўлдики, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини олиб боришда бугунги кунда ягона тартиб ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини олиб бориш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни янада оширишга имконият яратилади. Ушбу ерларнинг технологик, хўжалик ҳолатларини аниқлаш ва яхшилаш юзасидан самарали чораларни кўриш имконини беради. Шундай экан, республикада деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳолати, уларни баҳолаш, унумдорлигини ошириш, ерлардаги ўзгаришларни аниқлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳолатига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш бўйича ушбу хўжаликлардаги ерларда кузатув ишларини олиб бориш мақсадида географик ахборот технологиялари ёрдамида деҳқон ва томорқа хўжаликлари

ерларини мониторинг қилиш тартиби ва уларни амалга ошириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди (8-расм).




**8-расм. Географик ахборот технологиялари асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини мониторинг қилиш тадбирлари ва уларни амалга ошириш кетма-кетлиги**

Agisoft Metashape-бу профессионал 3D-модель яратишга йўналтирилган замонавий асосланган ечим саналиб, ҳаракатсиз тасвирлардан сифатли 3D контент ҳисобланади. Энг кўп ўлчамли 3D реконструкция технологиясига асосланиб, у тасодифий тасвирлар билан ишлайди ҳамда назорат қилинадиган ва назоратсиз шароитда самарали ҳисобланади. Расмлар реконструкция қилинадиган объект камида иккита фотосуратда бўлиши шарт. Ҳар иккала расмни мослаштириш ва 3D моделни қайта тиклаш тўлиқ автоматлаштирилган (9-расм).

Шундай қилиб, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари мониторингини юритишда 3D моделдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун тадқиқот объектлари бўйлаб учувчисиз учуш қурилмалари - дронлар орқали

олинган маълумотлар асосида Agisoft Metashape дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда ушбу хўжаликлар ерларининг уч ўлчамли моделлари яратилди.



**9-расм. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари каби кичик ердан фойдаланувчилар ерларининг уч ўлчамли модели**

Бу эса нафақат деҳқон ва томорқа хўжаликлари ер участкасининг майдонини бевосита кўриш, балки уларнинг майдони, рельефи, ерлар ҳолатидаги ўзгаришлари, каналлар ва йўл тармоқлари қайси томонларидан ўтганлиги, ушбу хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқаришига салбий таъсир этувчи муҳим ташкилий-техник омилларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнларини соддалаштириш ва тезлаштиришдан ташқари, деҳқон хўжаликларига сармоя киритиш истаги бўлган инвесторларга талаб этиладиган барча маълумотларга тўлиқ эга бўлиш имконини беради.

## **ХУЛОСА**

“Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш мониторингини такомиллаштириш” (Самарқанд вилояти мисолида) мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Мақсадли олиб борилган тадқиқотлар натижаси деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларига эгалик қилиш ва фойдаланиш муносабатларини тизимли ташкил қилиш, уларни жамият ва иқтисодиёт эҳтиёжлари ва талабларига мос тарзда ислоҳ этиш, унинг аниқ ташкилий-техник механизмларини шакллантириш ва самарали қўллаш имконини беради.

2. Замонавий географик ахборот тизими ва учувчисиз учиш қурилмалари (УУҚ дронлар)ни қўллаш натижасида, деҳқон ва томорқа

хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ушбу хўжаликлар ерларининг мониторингини олиб бориш, маълумотларни тўплаш ҳамда уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш лозим деб ҳисоблаймиз.

3. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари каби майда хўжаликлар ерларидан фойдаланиш мониторингини юритиш бўйича АҚШ, Хитой, Япония каби давлатлар тажрибалари ўрганилди. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, ушбу хўжаликлар ерларидан фойдаланиш мониторингини юритиш тизмини ГАТ орқали такомиллаштирилганда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланишга эришиш таъминланади.

4. Масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш усуллари орқали деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритиш ва электрон рақамли картага олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди.

5. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг бугунги ҳолати, мониторингини юритиш нуқтаи назаридан, хўжаликлар ерларининг электрон рақамли карталарини (ArcGIS дастури асосида) яратиш босқичлари ва уларда амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлигини ишлаб чиқиш натижасида, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритишда электрон рақамли карталар ишлаб чиқилди.

6. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритишнинг алгоритминини ишлаб чиқишда биринчи навбатда ерлардан фойдаланишнинг ташкилий-техник тамойилларига аҳамият қаратилди ва бунда асосий эътибор ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган беш босқичли тизимни шакллантиришга берилди.

7. Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг мониторингини юритиш мақсадида замонавий географик ахборот тизими асосида ушбу хўжаликлар ерларининг рақамли карталарини яратиш услубини ишлаб чиқиш орқали электрон рақамли тупроқ картаси яратилди. Натижада, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳолатини аниқлашга ва ушбу ерларга қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш кераклиги ҳақида аҳолини аниқ маълумот билан таъминлашга имконият яратилди.

8. Географик ахборот технологиялари асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларини мониторинг қилиш тадбирлари ва уларни амалга ошириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди. Бу эса деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ҳолати, уларни баҳолаш, унумдорлигини ошириш, ерлардаги ўзгаришларни аниқлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишга замин яратади.

9. Дронлардан олинган масофадан зондлаш маълумотлари асосида деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг уч ўлчамли моделини яратиш услуби ишлаб чиқилди. Натижада, нафақат деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг ер участкаси майдонини бевосита кўриш, балки уларнинг

майдони, рельефи, ерлар ҳолатидаги ўзгаришлар ва ушбу хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқаришига салбий таъсир этувчи муҳим омилларни аниқлашга хизмат қилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSC. 03/30.12.2021.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
“ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ПАРДАБОЕВ АНВАРЖОН ПАРДАБОЙ УГЛИ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОНИТОРИНГА ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЯ  
ДЕКХАНСКИХ И ПРИУСАДЕБНЫХ ХОЗЯЙСТВ (НА ПРИМЕРЕ  
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**11.00.07 – Геоинформатика**

**06.01.10 – Землеустройство, кадастр и мониторинг земель**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент - 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/T2032.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Алтиев Абдурашид Султанович</b> доктор экономических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Комилова Нилуфар Каршибаевна</b> доктор географических наук, профессор <b>Рахмонов Қосимджон Рахмонович</b> кандидат экономических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт</b>

Защита диссертации состоится « 8 » июль 2022 г. в 15<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2021.T.10.02 при Национальном исследовательском университете “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства” (Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Қари-Нийзий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-22-67, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства” (зарегистрирован за №218 Адрес: 100000, г.Ташкент, улица Қори Нийзий, дом 39. Тел.:(+99871) 237-19-45

Автореферат диссертации разослан « 20 » июль 202 2 года.  
(реестр протокола рассылки № 218 от « 20 » июль 202 2 года.)



**Т.З.Султонов**

Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

**Ф.Гаппаров**

Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.проф.

**Э.Ю. Сафаров**

Председатель Разового научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н, проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях стремительного роста и развития землепользования по всему миру поддержание небольших дехканских и приусадебных хозяйств в соответствии с новыми современными технологиями и проведение оперативного мониторинга земель этих хозяйств имеют особое значение. В настоящее время одним из важных вопросов в развитых странах является совершенствование мониторинга земель небольших хозяйств, таких как дехканские и приусадебные хозяйства. Наряду с разработкой методов развития фермерских, дехканских и приусадебных хозяйств особое внимание уделяется улучшению качества мониторинга использования их земель.

В мире проводятся целевые научные исследования, направленные на формирование мониторинга земель хозяйств, осуществляющих деятельность на малых земельных участках, на базе современных географических информационных систем, организацию их картографической базы данных и совершенствование методов повышения эффективности землепользования с использованием материалов дистанционного зондирования. Приоритетными в этом направлении являются исследования, которые в перспективе предусматривают уделить особое внимание эффективному использованию земель дехканских и приусадебных хозяйств. В то же время использование материалов дистанционного зондирования при мониторинге земель и метод исследования земель с использованием 3D-модели являются актуальными задачами.

В нашей республике последовательно развивается производство за счет структурных, институциональных, инвестиционных преобразований в сельском хозяйстве, реализуется комплексные меры по обеспечению населения продуктами питания, расширению производства экологически чистой продукции, в том числе рациональной организации использования дехканских и приусадебных земель наряду с другими сельскохозяйственными предприятиями, обеспечению занятости сельского населения и сокращению бедности и существенному увеличению продукции земледелия и животноводства. В новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, в частности определены задачи по "...созданию новой инфраструктуры производства на селе, внедрению современных агротехнологий, рациональному и эффективному использованию земли, воды и других природных ресурсов, созданию структур нового содержания, обслуживающих интересы дехкан и владельцев приусадебных земель"<sup>1</sup>. Важное значение приобретает проведение научных исследований по реализации данной задачи, в том числе по формированию новых организационно-технических механизмов на основе углубления институциональных и технологических реформ, повышению экспортного потенциала отрасли, созданию и совершенствованию организационно-

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Новая стратегия развития Узбекистана. Второе издание, дополненное. - Ташкент: Изд-во "Узбекистан", 2022, 164 с.

экономических основ механизмов решения актуальных социальных проблем, особенно создания устойчивых и эффективных рабочих мест на селе.

